
**МФЙ ФАОЛЛАРИГА "МЕҲР-САХОВАТ" КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ 26 МАЙДА «МЕҲР-САХОВАТ»
КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ.**

Мазкур ҳужжатда коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда фаол иштирок этишда ўрناق бўлаётган юртдошларимизни "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан тақдирлаш назарда тутилган.

Туман ҳокимлигининг мажлислар залида ана шундай эзгу ишларда фаол иштирок этишда ўрناق бўлаётган МФЙ раислари ва уларнинг ўринбосарларининг 75 нафарига "Меҳр-саховат" кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тақдирлаш маросимида вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Саидмурод Аминжонов иштирок этиб мукофотни тантанали равишда ўз эгаларига топширди.

2020-11-06 15:18:40